

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 5-fevral, chorshanba
№ 10 (15752)

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

Аввал хабар қилинганидек, 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти ва натижалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.



Йиғилишда таъкидланганидек, болалиқдан спорт билан шуғулланиш инсон иродасини тоблайти, аниқ мақсад саринтилишга, қийинчиликларни бардош билан енгишга ўргатади, унинг қалбида ғалабага ҳалол интилиш ва ғурур-ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Шу маънода, бугун юртимизда болалар спортини ривожлантириш масаласига барча эзгу мақсадларимизни рўйбага чиқаришга қодир бўлган муносиб авлодни тарбиялашнинг муҳим шартини гарови сифатида юксак эътибор қаратилмоқда. Аниқ мақсадга йўналтирилган бу борадаги ишлар фарзандларимиз-

ни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш орқали жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зеро, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти моҳиятан ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётида спортга меҳр уйғотиш орқали жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган.

Жондан азиз болаларимизни ҳар томонлама соғлом, биз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари, мард ва жасур, комил инсонлар қилиб тарбиялаш бу — нафақат катта бахт, айна

пайтда халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг муҳим омилidir. Мана шу ҳақиқатни халқимиз чуқур англаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, «**Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлур!**» деган ҳикматни юрагидан, қалбидан ўтказиб яшаётгани бугун ўз мевасини бермоқда.

Мамлакатимизда умуммил-

лий ҳаракатга айланган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар самараси юртимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида шуғулланаётган фарзандларимиз халқаро мусобақаларда юксак марраларга эришаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида жамғарма маблағлари ҳисобидан 2013 йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда қатнашган фарзандларимиз томонидан 124 олтин медаль қўлга киритилгани алоҳида эътироф этилди. Ҳали мактаб

партасидаёқ дунёнинг турли мамлакатларида ташкил этилаётган халқаро турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатларида Ўзбекистон номидан майдонга чиқиб, дунёнинг наман деган давлатларидан келган тенгдошлари билан кечадиган мурасасиз беллашувларда ғалаба қозониш, энг муҳими, шохсупада туриб ўзининг шарафига Ватанининг байроғи баланд кўтарилаётгандаги ҳаяжонни ҳис этиш — бу нафақат фарзандларимизнинг, ота-оналарнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг қувончидир.

(Давоми 2-саҳифада)

СИЗ ҲАМИША ЭЪТИБОРДАСИЗ

Пойтахтимиздаги Карвонсарой кўрғазма залида «Соғлом бола — соғлом ҳаёт» мавзусида хайрия тадбири ташкил этилди. «Соғлом бола йили»га бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партия кенгаши фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, заиф эшитувчилар мактаби тарби-

яланувчилари ҳамда кам таъминланган, яқка-ёлғиз нафақахўрлар иштирок этди.

Мазкур хайрия тадбири давлатимизнинг ёш авлодга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатётган юксак эътиборининг ёрқин намунаси бўлди. Тадбирда сўзга чиққан

лар республикаимизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратилган шароитлар самараси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нафақат ўз оиласи, ота-онаси бағрида камол топаётган ёшлар, балки меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

— Бугунги тадбирни ўтказиш орқали меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда яқка-ёлғиз, ижтимо-

ий ҳимояга муҳтож қарияларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни мақсад қилганмиз. Бу каби тадбирлар меҳр ва ғамхўрликка муҳтож болажонларнинг ўзларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳис этишлари, соғлом, маънавий етук, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳида камол топишларига хизмат қилиши шубҳасиз, — деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Бобир Отамуродов.

Хайрия тадбирида қатнашган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар болаларга олам-олам қувонч бағишлади. Тадбир сўнгида болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Жавоҳир ҚАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Qadriyat

Xushxabar

НИДЕРЛАНДИЯДАН ХАБАР ҚИЛИШДИ!

Ўзбек қизи шашка бўйича
халқаро гроссмейстер бўлди

Физика илмининг гувоҳлик беришича, ҳаводан кўра қаттиқ моддалар, масалан, металллар товушни яхшироқ ўтказар экан. Аммо бугун шундай шиддатли ахборот асрида яшаймизки, янгиликлар, у хоҳ овозли хабар бўлсин, хоҳ ёзма, тарқалишида сарҳад билмаяпти. Сирдарёлик тенгдошимиз, Сайхунобод шашка мактаби тарбияланувчиси Сайёра Йўлдошеванинг ўзбекистонлик қиз ва аёллар ўртасида шашка бўйича биринчи халқаро гроссмейстер бўлгани ҳақидаги хабар ҳам яшин тезлигида юртга ёйилди.



Ушбу қувончли хабар Нидерландияда жойлашган Халқаро шашка федерацияси (FMJD) дан келди. Бу мамлакатимиз спортида унутилмас воқеа бўлди.

Тенгдошимиз халқаро гроссмейстерликка 2013 йил Тошкент шаҳрида катталар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин, Болгарияда ўтган жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритгани учун лойиқ топилди.

Истиклол тенгдоши бўлган Сайёра Сайхунобод туманида туғилиб ўсган. У ўн бир ёшидан мураббийи Алишер Ортиқов қўл остида шашка билан шуғулланиб келаяпти.

Сайёра Йўлдошева илк ғалабасига 2006 йил Самарқанд вилоятида ўтказилган республика чемпионатида эришган эди. Ўша йили Қозоғистоннинг Ақтобе шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи ўрин, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган бутун жаҳон болалар ва ўсмирлар олимпиадасида бронза медалга сазовор бўлган. Умуман олганда, ёш бўлишига қарамай, унинг ютуқлар коллекцияси манадан деган спортчиликдан қолишмайди. Унинг қўлга киритган совринлари орасида Ўзбекистон чемпионатининг саккизта, Осиё чемпионатининг олти та олтин, жаҳон чемпионатининг иккита кумуш медали бор.

— Сайёранинг ютуқлари унинг қандай спортчи эканини кўрсатиб турибди, — дейди Ўзбекистон шашка федерацияси ижрочи директори Алишер Ортиқов. — У, авваламбор, жуда тиришқоқ қиз. Ўз олдига қўйган мақсадига эришмагунча қўймайди, энг муҳими, меҳнатга ўрганган. Халқаро гроссмейстер бўлгани ҳам кўп нарсани англайди.

Сайёра Йўлдошева ўтган йили

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини битирди. У профессионал спортчигина эмас, мураббий ҳамдир. Унинг шогирдлари ҳам ўзи каби ютуқларга ташна, эришган муваффақияти билан чекланиб қолмайдиган, интилувчан спортчилардир. Масалан, Хусниддин Жиянбоев 2013 йил Болгарияда ўн ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Яна бир шогирди Лайло Тошпўлатова пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олти ёшгача бўлган қизлар ўртасида олтин медални қўлга киритди.

— Шундай натижаларга эришишда биз, ёшларга шароит яратиб берган Юртбошимиздан миннатдорман. Менга яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаган ота-онамга ва мусобақаларда ўз ёрдамини, билимини аямаган устозим Алишер Ортиқовга раҳмат айтаман. Ҳаётдаги ширим: ҳамиша олга интилиш. Насиб бўлса, жаҳон чемпиони бўлиб, менга ишонган барча инсонларнинг юзини бундан ҳам ёруғ қиламан, — дейди моҳир шашкачи, халқаро гроссмейстер Сайёра Йўлдошева.

Шашка — сизу биз ўйнайдиган, ўрганиш жуда ҳам осон, оддий ўйин. Лекин, ҳеч хаёлингизга келтирганмисиз, мана шу оддий шашка донлариди ҳам мўъжизалар қилиш, рақибни ҳам, томошабинни ҳам лол қолдириш мумкин. Бунинг учун уни чинакам ҳаёт мазмунига айлантириш, олдинга аниқ ва юқори мақсад қўйиб, ҳаракат қилиш керак.

Ким билади, ушбу лавҳани ўқиётганлар орасида бўлажак чемпионлар, гроссмейстерлар ҳам бордир...

Элёр ЖҮРАЕВ

Navqiron avlod so'zi

Бугун бутун дунёда фикрлар, гоялар кураши кечаяпти. Гоҳида пинҳон, гоҳида ошкор кечаётган бу курашда енгилмаслик учун юксак интеллектуал салоҳият, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлиш талаб этилмоқда.

МЕНГА ИШОНГАНИНГ УЧУН ТАШАККУР!

Лекин фақат шу билангина бир давлат ёки миллат ўзлигини сақлаб қолиши қийин. Глобаллашув деб аталаётган бу мафкуравий-ғоявий талотўпларда омон қолишни ва голиблик байроғини баланд кўтаришни истаган юртларда юксак маънавият билан тўйинган кадрятлар, буюк аждодлар тутумларига садоқат ва албатта, ҳар томонлама етук, баркамол инсонларнинг авлоди керак бўлади. Бугун Ўзбекистон қиёфасида дунё ана шундай улуг ва мустаҳкам мамлакатни кўраётир. Бу — мана шу гўзал юртда яшаётган барча қалби тоза инсонлар қаторида биз, ёшларни ҳам фахрлантarmoғи, ана шу буюк мамлакатнинг келажиги учун бор меҳру муҳаббатимизни бахш этиб, билим ва истеъдодимизни сафарбар этмоққа ундамоғи лозим.

Мен улуг термизийлар юртида туғилиб вояга етганман. Томиримда паҳлавонлар қони оқади. «Алпомиш» достонини ўқигансиз-ку, гоҳида ёшлик ғурури сабабми ёки чиндан ҳам шундайми, вужудимда Ҳакимбек — Алпомишнинг юраги ураётганини ҳис этиб қоламан. Эсласангиз, у ҳам ўз юрти, она тупроғини бениҳоя яхши кўради. Ардоқлайди. Жаҳон ва қитъа чемпионатларида майдонга чиқиб борарканман, кўзим жонажон Ватанимиз байроғига тушса бўлди — мен бу кун мағлуб бўлмаслигимга икки карра ишонч ҳосил қиламан.

Бола қалбим билан ҳаёлан катта-катта мусобақаларда чемпионлик шохсупасига чиққан бўлсамда, Қизириқ қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжиди ўқиб юрганимдагина спортчи бўлишни жиддий мақсад қилган

эдим. Бора-бора, Ўзбек жанг санъати ҳамда Шарқ яккакурашларига қизиқишим ортди. Тинимсиз машқлар, машаққатли изланишлар натижасида, Ўзбек жанг санъати, каратэ, комбат-айкидо, жеткундо бўйича кўплаб ютуқларга эришдим. Дастлаб туман, кейин вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгалладим, республика чемпиони бўлдим. Каратэ ва жеткундо бўйича халқаро мусобақаларда, Осиё ва жаҳон чемпионатларида голиб бўлдим.

2010 йил эса ҳаётимда яна бир қувончли воқеа билан ёдда қолди. Ўзим орзу қилганимдек, Термиз давлат университетига ўқишга кирдим. Ўтган йилдан бошлаб эса мен тенгдошларим билан мунтазам ишлаб келаяпман. Мени «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университетимиздаги бошланғич ташкилотига етакчи этиб сайлашди. Бу менинг масъулиятимни икки ҳисса оширди. Авваллари фақат ўзим учун меҳнат қилиб, ўзим учун интилиб келган бўлсам, энди зиммамда кўплаб тенгдошларимнинг тақдирларига дахлдорлик масъулияти бор. Улар билан ҳамнафас, ҳамроҳ бўлсам, бўлмайди. Тобора бунга ишонч ҳосил қилиб бораёпман: ёшлар билан ишлашда ҳеч қачон юзакиликка, масъулиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Улар жуда эътиборли ва зукко: ишда озгина хато қилишга ям ҳаққингиз йўқ. Лекин шуниси яхши эканки, уларнинг турфа фикр ва таклифларини тинглашга имконингиз бўлади. Баъзан тенгдошларимнинг мулоҳазаларини эшитиб, ташаббусларини кўриб

хайратланаман: наҳотки, мен шундай иқтидорли ёшлар билан ёнмаёнман! Тўғриси айтсам, кўплаб истеъдодли тенгдошларимга жуда ҳавас қиламан.

Шу ўринда университетимиз моддий-техник базаси ҳақида ҳам икки оғиз гапирсам. У энг замонавий ўқув биноларига эга, сўнги русумдаги компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Университетимизда спорт билан шуғулланиш учун ҳам ҳамма шароитлар бор. Хусусан, спорт зали Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилганини барча талабалар мамунлик билан тилга олади. У 150 миллион сўмлик спорт анжумлари билан жиҳозланган.

Мен Ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат чемпиони, Шарқ яккакураши жеткундо бўйича Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, республика ва халқаро тоифадаги ҳакам, республика тоифасидаги мураббийман.

Шогирдларим майдонга тушаётганда, ўзим мусобақаларга киришаётганда, ҳакамлик қилаётганда, тенгдошларим билан ишлаётганимда, хуллас, ҳар лаҳза шу юрт фарзанди эканимдан фахрланиш ҳиссини туяман! Шунда хаёлимга бирдан шундай сўз келди: «Менга имкон берганинг, ишонганинг учун, раҳмат сенга, онажон юрт! Мен ҳамиша сен учун яшайман ва сенга хизмат қиламан. Бундан ҳеч қачон толмайман, ишон менга!»

**Эркин ҚАРШИЕВ,
«Камолот» ЁИХ Термиз
давлат университети
бошланғич ташкилоти
етакчиси, «Ўзбекистон
белгиси» кўкрак
нишони соҳиби**

«Kamolot» ko'z gusi

САНЪАТ БЎСТОНИНИНГ ГУЛГУНЧАЛАРИ

Фарғона вилояти Кўштепа туманидаги 10-муסיқа ва санъат мактабидида туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Кўштепа тумани кенгаши ҳамкорлигида «Биз — мустақил юрт фарзандларимиз!» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда жам бўлган кўштепалек ёшлар, фаол ота-оналар ҳамда меҳмонлар иқтидорли тенгдошларимизнинг бадий-муסיқали чиқишлари, ёш ижодкорларнинг мушоирасини завқ билан тинглаб, томоша қилишди.

— Тўрт йилдан буён мактабимиз

қошидаги халқ таълими аълочиси Шукрулло Акбаров раҳбарлик қилаётган «Шалола» дастасига қатнашиб, санъат сирларини ўрганиб келаяпман. Бадий жамоамиз билан кўплаб санъат байрамлари ва фестивалларда қатнашиб келаяпмиз, — дейди тумандаги 20-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Арофатхон Рўзиев.

Тадбир ниҳоясида туманнинг фаол ва иқтидорли ёшларига Ҳаракатнинг туман кенгаши эсдалик совғаларини улашди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА

■ Davlat mukofoti sovrindorlari ■

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Президентимиз Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, истиқлол гоյаларини ёшлар қалбига сингдириш, маънавиятимизни тарғиб этиш, муносиб ворислар тарбиялаб, жамиятимизнинг гуллаб-яшнашида муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ юртдошларимиз турли соҳалар бўйича Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган эди. Улар орасида Қарши шаҳридаги 26-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Муқаддам Ачилова «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлди.



— Юртимизда аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлод учун яратилаётган беқиёс имкониятлар мен учун асосий куч, мадад бўлди, — дейди Муқаддам Ачилова. — Бундай мукофотга сазовор бўлишим, нафақат менга, балки мен

билан елкама-елка хизмат қилаётган ҳамкасбларимга ҳам хурсандчилик бахш этди. Бунинг учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдираман. Бу мукофот мени янада самаралироқ ишлашга, ўқувчиларимни ҳар томонлама билимдон, иқтидорли, маънавиятли қилиб тарбиялашга ундайди. 1994 йили Самарқанд дав-

лат университетини муваффақиятли тугатиб ўқитувчилик сари қадам ташлаган Муқаддам Ачилова қарийб йигирма йилдан бери ўқувчиларга кимё фанидан сабоқ бериб келмоқда. Муаллиманинг таълим-тарбиясини олган ўқувчилар республика фан олимпиадаларида, «Билимлар беллашуви» кўрик-танловларининг шаҳар, вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти. Унга ҳавас қил-

ган бир қанча шогирдлари ҳозирги кунда олий ўқув юрларини битириб мактаб, коллеж ва академик лицейларда кимё фани ўқитувчиси сифатида самарали меҳнат қилишмоқда.

— Бугунги кунга келиб ўзбек аёли жамиятнинг фаол фуқароси бўлибгина қолмай, кенг дунёқарашга эга, тадбиркор, ишбилармон, оила бекаси ҳамдир. Мен истардимки, 2014 йил — «Соғлом бола йили»да гўзал маънавияти, билими, жасора-

ти билан бутун дунёни лол этган буюк бобокалонларимиздай фарзандлар етишиб чиқсин, — дейди «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Муқаддам Ачилова.

Муқаддам опадек фидойи ўқитувчилар кўпайсин. Ўсиб келаётган ёш авлодларимиз бугун дунё эътирофига сазовор бўлган ажодларига муносиб фарзанд бўлсин.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

ТАШАББУСНИ БЕРМАЙДИГАН БАҲОДИР

Ўтган йил якунида навоийлик икки нафар иқтидорли йигитнинг «Шуҳрат» медалига муносиб деб топилгани вилоят ёшларига янада ғайрат, ҳаракатларига шижоат бахш этди. Улар бугун барчанинг диққат марказида. Биз ҳам улардан бири билан танишишга, дилдан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

— Яхши, соат 11 гача ўқув-семинарим бор, сўнг худудий конференцияга киришим керак. Демак, соат ўн тўртларда интервьюга вақт ажратаман, — дея, гўшакни кўйди, кўнғироқ қилганимизда. У «Шуҳрат» медали соҳиб баҳодир Абдуллаев эди.

Телефон гўшаги ортидан келаётган овоз эгаси ёш бўлса-да, оҳангида вазминлик, тартибсеварлик сезилиб турарди. Аслида, 22 ёшли бу йигитнинг фаолияти вилоят ёшларига нотаниш эмас. Уни илмий мақолалари ва «Камолот» ЁИХ ўтказиб турадиган тадбирлардаги фаол иштироки орқали яхши билишади.

— Кўпроқ илмий доирада фаолият олиб борувчилар билан фикр алмашишни хуш кўраман, — дейди Баҳодир. — Амалларидан ибрат, сўзларидан ҳикमत топган бирор кишини учратсам, барча ишимни тўхтатиб, унга кулоқ тутаман.

Унинг муваффақиятлари 2007 йилда республика ёшлари ўртасида ўтказилган танловда «Сувнинг шўрланганлигини аниқлаш индикатори» ихтироси билан бошланган. Бу рўйхатни яна «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни» мавзусидаги иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжуманида «Энг яхши маъруза» йўналишидан олган диплом ва сертификат, «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари иқтидорли ўқувчиларининг республика илмий-амалий конференцияси»даги голиблик билан давом эттириш мумкин.

Илмда маълум бир мақсадга эришиш учун иқтидорнинг ўзи камлик қилади. Бунда изланиш ва ҳаракат — энг муҳим омил. Баҳодирнинг ҳам

бошлаган кичик илмий иши ўз устида ишлаши натижасида такомиллашиб, саноатда қўллашга тайёр ҳолга келтирилди. Унинг «Масофавий индикатор» қурилмаси «Навоий машина-созлик заводи»да мутахассислар синовидан ўтиб, завод маъмурияти унга «Рационализаторлик гувоҳномаси»ни берди. Баҳодирнинг саъй-ҳаракатлари беъэтибор қолмади. У Навоий конметаллургия комбинатига қарашли 5-конбошқармага таъмирловчи-чилангарликка ишга таклиф этилди. Фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ конбошқарма мутахассислари бу йигитнинг тарғибот ишларида қобилияти борлигини сезиб, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилигига тайинлашди.

— Баҳодир конбошқармага ишга келган пайтларида ёш эди. Аммо фикрлашидан эндигина иш ўрганишни бошлаган ёшларга ўхшамасди. Айниқса, ундаги ташкилотчилик қобилияти алоҳида таърифга лойиқ. У бизда ишлаб юрган кезлари «Камолот» ЁИХнинг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форумида қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритган. Ушанда бу ютуқни барчамиз баҳам кўрганмиз, — дея эслайди Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 5-конбошқарма директори Тоҳир Рўзиев.

Тенгдошимиз камтар, аммо, камгап эмас, мақтанишни ёқтирмас-да, ўрни келса маслаҳатга уста. Шу боис, ёшлар ўртасида ташкил этиладиган тарғибот тадбирларида унинг нутқини кўп эшитиш мумкин. Йигитнинг Ҳаракат ўтқа-



зётган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалининг деярли ҳар фаслида «Энг намунали етакчи» номинациясида голиблик дипломи билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас.

Йиллар дарёдек ўтиб, ёш етакчини талабалик қирғоғига оқизиб келди. Навоий давлат кончилиқ институтининг кимёвий технология йўналишига ўқишга қабул қилингани, унга коллеждаги таҳсил жараёнида бошлаб қўйган илмий ишини янада такомиллаштириш имконини берди. Талабанинг янгиликка интилувчанлиги тез орада профессор-ўқитувчилар эътиборига тушди. Ўтган йили Хоразм вилоятида ўтказилган «Талабалар баҳори» фестивалида ўз лойиҳалари билан иштирок этиб сертификат ҳамда «Техник ишланмалар» йўналишида

голибликни қўлга киритди. Айни пайтда, Навоий давлат кончилиқ институтининг иккинчи босқичида таҳсил олаётган тенгдошимиз «Сувнинг шўрланганлигини аниқлаш орқали, инсонларда келиб чиқаётган касалликларнинг олдини олиш» лойиҳасини янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.

Навоий вилояти экологик жиҳатдан назоратда турадиган худудлардан бири. Вилоятда сувнинг шўрланиш кўрсаткичи айрим худудларга қараганда нисбатан кўпроқ. Тенгдошимизнинг илмий ишида шўрланишни аниқлаш орқали, инсонлардаги баъзи касалликларнинг олдини олиш чоралари кўрсатиб берилган.

Конституцияимизнинг 21 йиллиги арафасида Баҳодир Абдуллаевга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медалининг топширилиши, ҳаётининг янги босқичидаги эзгу ишларнинг дебочаси бўлди.

— Тарихи буюк, келажаги порлоқ заминда туғилганимдан, таълим олиб касбга, хунарга эга бўлганимдан ва доимо биз, ёшларни фарзандларим деб билгучи Ўртбошимиз борлигидан фахрланаман, — дейди у. — Замонавий шароитлар ва кенг имкониятлар мамлакатида ўқияпман, етук мутахассис бўлиш арафасида турибман, қизиқиш ва қобилиятларимни ривожлантирдим, ўз ташаббусларимни ҳаётга татбиқ этдим. Бу юксак мукофотга муносиб топилганимдан хурсандман. Бу менга берилган юксак ишонч ва масъулият бўлиб, кучимга куч, ғайратимга ғайрат бағишлайди.

Эзгу мақсад билан ташланган қадам ўз баҳосини топажак, албатта. Бугун ана шундай замонда яшамоқдамиз. Ҳаракатларимизга берилган рағбатни элнинг ишончи деб қабул қилмоғимиз ва уни оқлашга доимо интилоғимиз лозим. Зеро, юртнинг эртаси биз, ёшлар қўлида.

Дилдора КАТТАЕВА,
Навоий вилояти

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Президентимиз ана шундай иқтидорли ёш спортчиларни рабатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ватанимиз шухратини дунёга таратаётган ўғил-қизларимизнинг ютуқлари ҳақида ёрқин тасаввур берадиган қуйидаги маълумот ўзбек спортининг жадал ривожланиб бораётганидан, унинг келажиги ёруғ эканидан далолат беради.




Кувондиқова Мафтуна, Самарқанд шаҳридаги 36-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Бадий гимнастика бўйича халқаро турнир (Россия)



Икромова Таҳмина, Самарқанд шаҳридаги 43-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Бадий гимнастика бўйича халқаро турнир (Россия)



Онкес Диана, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Малайзия)



Морозова Александра, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 5-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнирлар (Малайзия), (Туркия)



Мирошниченко Анастасия, Фарғона шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир (Франция)



Азамов Асадбек, Фарғона шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир (Франция)




Тошматов Муҳаммадқодир, Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир (Франция)



Тошматов Муҳаммадйусуф, Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир (Франция)




Бабаян Амиран, Республика Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Трамполин бўйича халқаро турнир (Қозоғистон)



Бабенишев Никита, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 233-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Трамполин бўйича халқаро турнир (Қозоғистон)



Жонибеков Шавкатжон, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Трамполин бўйича халқаро турнир (Қозоғистон)




Воҳидов Шамсиддин, Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 307-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Шахмат бўйича Осиё чемпионати (Шри-Ланка)



Хамраева Дилбар, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Шахмат бўйича Осиё чемпионати (Шри-Ланка)



Нигматов Ортик, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 75-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Шахмат бўйича Осиё чемпионати (Шри-Ланка)



Бозоров Элбек, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 5-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Каратэ бўйича жаҳон чемпионати (Италия)



Арсланов Тоҳибжон, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Каратэ бўйича жаҳон чемпионати (Италия)




Тошпўлатова Шоқсанам, Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицейи 1-босқич ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақалар (Туркия)




Тухсинова Рината, Андижон шаҳридаги тиббиёт коллежи 1-босқич ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Туркия)



Хусенова Алина, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 142-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)



Тарасенко Алексей, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)




Усманов Темурбек, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)




Усманов Амирбек, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)




Витальева Анастасия, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)



Усмони Севара, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 159-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Сузиш бўйича халқаро мусобақа (Германия)




Нургалеев Артур, Тошкент шаҳридаги педагогика коллежи 1-босқич ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Гайшинец Екатерина, Республика Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)




Посникова Людмила, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 2-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Абдурахманов Максим, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 86-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Рахматов Дилноза, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Гулиев Артур, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Улуғмурадов Нажмиддин, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)




Закирова Нилуфар, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро регата (Украина)



Мирсаадатов Мирсаидбек, Наманган вилоятидаги юридик коллежи 1-босқич ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Мирхолиқов Бекзод, Наманган шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Раҳимов Ҳаётжон, Наманган Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Эгамбердиев Улуғбек, Наманган шаҳридаги тўқимачилик коллежи 1-босқич ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Имомалиев Умаржон, Наманган шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Осипян Завен, Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Дадаев Асланбек, Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Қодирхонов Ислои, Наманган шаҳридаги 58-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Исмоилов Сардор, Наманган шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Собиржонов Жаҳонгир, Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Исаметдинов Диёр, Наманган шаҳридаги 58-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Абдуганиев Бахтиёр, Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)




Захарьянс Ливон, Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ватерпол бўйича халқаро мусобақа (Малайзия)



Тарасенко Алексей, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Сузиш бўйича 22-халқаро турнир (Франция)



Суяров Меҳриддин, Навоий шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Эркин кураш бўйича халқаро турнир (Грузия)




Раҳмонов Аббос, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 7-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Эркин кураш бўйича халқаро турнир (Грузия)



Шамсутдинов Шерзод, Навоий шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Эркин кураш бўйича халқаро турнир (Грузия)




Аблаева Камила, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Мальнева Христина, Республика эстрада-цирк коллежи 2-босқич ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Абдураёмова Муслимаҳон, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 225-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Субботин Дмитрий, Тошкент тиббиёт коллежи 1-босқич ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)




Сергиенко Екатерина, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Ифутина Анастасия, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Лебедь Анастасия, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Суханова Наталья, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Иржапова Нурия, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Шог'дина Сабина, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)



Шарифжонова Озода, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 117-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Акробатика бўйича халқаро турнир (Германия)




Раҳматов Файбулложон, Бухоро Олимпия захиралари коллежи 8-синф ўқувчиси Оғир атлетика бўйича халқаро турнир (Греция)



Гаюмов Хуршид, Бухоро Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Оғир атлетика бўйича халқаро турнир (Греция)



Раҳматов Дилшод, Бухоро маданият коллежи 1-босқич ўқувчиси Оғир атлетика бўйича халқаро турнир (Греция)




Пискунова Анна, Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)




Юсупова Фотимаҳон, Андижон Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Эркинова Гулсанам, Андижон Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)




Сафарова Дарья, Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 263-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Никольская Сабина, Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 89-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Раззоқбергенова Севара, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги педагогика коллежи 1-босқич ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Муҳидиллаева Сарвиноз, Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Қодиржонова Ҳилолаҳон, Андижон Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Иманова Васила, Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Калибоева Мадина, Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Аллаёрова Захро, Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 319-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)

Давоми 8-саҳифада.

Javohir

Алишер НАВОИЙ

Рубоийлар

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

* * *

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъига даво қилма ҳавас,
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

* * *

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

«Turkiston»
savol beradi

O'Z POZITSIYANGNI NAMOYON ET!

Batafsil

АЗИЗ
ЁШЛАР!

«Turkiston» газетаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сиз учун янги медиа-лойиҳани тақдим этади. Унда сиз Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари раисларига ёшлар масаласига оид ўз саволларингиз билан мурожаат қилишингиз, таклиф ва мулоҳазангизни билдиришингиз мумкин. Биринчи учрашув **2014 йилнинг 7 февраль** куни «Камолот» ЁИХ Медиамарказида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси **Жолдас Абдижамил** билан бўлиб ўтади. Сўхбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.turkiston.uz ва www.kamolot.uz сайтларида ўқишингиз мумкин. Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+998 71) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз. Шошилинг, вақт оз қолди.

«Kamalak» yulduzlari

— *Шу овоз муштдеккина боланинг овози эканига ишонгим келмаяпти, — деди онам телевизор кўраётиб. — Бу аниқ «фонограмма». Ҳозир «монтаж» дегани чиққанмиш, яқинда қўшим айтиб қолди, унда овозни хоҳлаганча ишласа бўлар экан.*

КЕНГЛИКЛАРГА ТАРАЛГАН ОВОЗ



Ўшанда, бир тарафдан онамнинг самимий, куйинчак гапларига кулгим келган бўлса, иккинчидан, хаёлимда чарх урган «ҳақиқатдан ҳам шундай эмасмикин?» деган шубҳа «О солие Мио» операсини куйлаётган бу болани синчковлик билан кузатишга ундади.

Қарадим. Йўқ, бу ерда ҳеч қандай сохталик кўринмайди, хонанданинг ҳаракатлари, кўз қарашлари шундоқ айтиб турибди: операни куйлаётган ўзи!..

— Ойижон, у ҳақиқатан ҳам куйлаяпти...

Яқинда Нукусда бир тадбирда қатнашаётиб, ўша операчи болани учратиб қолдим. У сахнада, шунча одамнинг олдида «Торна А Сурриенто» операсини фонограммасиз куйларди. Баланд, тиниқ, ёқимли овози кўпчиликни ҳайратлантирди. Ўшанда қорақалпоқ композитори Нажматдин Муҳаммаддинов ҳам ҳаяжон билан: «Ҳали бу боланинг овози кенгликларни ёриб ўтиб, бутун Ер юзида янграйди», дея Асадбекнинг келажига катта умид билдирди.

Асадбекнинг операга қизиқиши тўрт ёшида, тўғрироғи, Хўжайли туманидаги Талас қишлоғида, бувисиникида бошланган.

Бир куни у акаси Жийемурод билан қўй боқиб юриб, қишлоқ хонандаси (у ердагилар шундай аташади), чўпон Ажаллапас оғани учратиб қолади. Оғаси унга «Курувчи дўстим» қўшиғини айтиб беради. Ўшанда у чин юракдан:

— Мен ҳам сиздай қўшиқ айтсам бўладими? — дея ийманиброқ сўрайди ва оғанинг «Албатта!» деган жавобидан сўнг, машҳур «Боролмадим» қўшиғини куйлаб беради. Унга қишлоқ аҳли «Қўшиқчи бола» деган ном беради.

Етти ёшида Нукусдаги Аҳмад бахши номидаги болалар мусиқа мактабига ўқишга боради. У ерда Асадбек опера куйлашнинг ўзига хос сирларини ўрганади.

— Асадбекнинг овози жуда баланд эди. Буни у мактабга келганидаёқ сезгандим, — дейди устози Ринат Дайирхонов. — Шунда унга, овозинг миллий эстрада йўнали-

шига эмас, кўпроқ операга тушади, десам, мен операда роль ўйнамаман, фақат «Боролмадим»ни айтсам бўлди, дея йиғлаб юборди. Билсам, у опера деганда фақат опера-спектаклларни тушунган экан. Кўнгилчанлик қилмай, ўшанда тўғри қилган эканман, мана, шогирдим операни ёмон куйламаяпти.

Ҳа, Асадбекнинг операчиларга хос овози, унинг ким бўлишини айтиб турарди. Буни сезган устози унга тўғри маслаҳат беради. Тўғри, бошида у операни унча хушламайди, кейинчалик операнинг сеҳри, жозибаси, ўзига хослигини сезиб, меҳр қўяди.

— Операни куйлаш учун, уни тушуниш, юракдан ўтказиш керак, — дейди ёш санъаткор. — Масалан, битта операни маромида ижро қилиш учун олти ой тайёрландим.

Асадбек меҳнат, деса уйқуси келадиган болалардан эмас. У ўз устидан ишлайди, кучига ишонади. Бундайларга муваффақият дегани соядай эргашар экан.

Ёш операчи яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган «Камалак» юлдузлари республика танловида голиб бўлди.

— Болам таэквондочи ҳам, — дейди Асадбекнинг онаси Ойжамол Жанназарова фахр билан. — Куни кеча уйга медаль олиб келди. Унинг ютуқларидан ҳаммиша хурсанд бўламан.

Дарвоқе, Асадбек спорт билан ҳам шуғулланади. Онаси айтганидек, у яқинда Нукусда ўтказилган 1998-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида таэквондо мусобақасида иккинчи ўринни олди. Бундан ташқари, у бадий китоблар ўқийди. Баъзан дадаси Ажиниёз оғага кўшилиб дутор чалади. Хуллас, Асадбек Султонов беғубор болалик онларини бесамар ўтказмайди.

Мана ҳозир у Нукусдаги 37-мактабга кетаяпти. Асадбекни 6-«А» синфда меҳрибон устози, дўстлари кутаяпти. Энг асосийси, у билим олишга шошиляпти...

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Ma'naviyat

ЁТ ИЛЛАТЛАРДАН ЙИРОҚДА

Тошкент фармацевтика институтида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Миробод туман ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда институт талаба ёшлари ва институт қошидаги академик лицей ўқувчиларига салбий иллатлар, уларнинг аянчли оқибатлари тўғрисида керакли маълумотлар ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби Улуғбек Туймабоевнинг таъкидлашича, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши талаба ва ўқувчи-ёшлар учун катта аҳамият касб этади. Булар орқали тенгдошларимиз турли иллат

ва бузгунчи ғоялар ҳақида теран тушунчага эга бўлади. Тинчлик ва хотиржамликка таҳдид солаётган ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитет, авваламбор, таълим муассасаларида олаётган билимлари, оиладаги тарбияси, қолаверса, мана шу каби тадбирлар воситасида шаклланади.

— Бу каби тадбирлар биз, ёшларни янада огоҳ бўлишга, гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм ва диний экстремизм, ОИТС каби иллатларга қарши курашишда маънавий иммунитет ҳосил қилишимизга ёрдам беради, — дейди Тошкент фармацевтика институти талабаси Шуҳрат Содиқов юқоридаги фикрни тасдиқлаган ҳолда. — Биз буюк инсонларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз, уларга муносиб авлод бўлишимиз керак.

Тадбир сўнггида салбий иллатлар ва уларнинг аянчли оқибати ҳақидаги «Қабоҳат» фильми намойиш этилди.

Камолиддин ХАМДАМОВ,
ЎЗМУ талабаси

Oila — maktab — mahalla hamkorligi

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ УЧУН

Ўқув йилининг учинчи чораги билимларни ўзлаштиришида ҳал қилувчи палладир. Айни кунларда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар фан асосларини пухта ва мукамал эгаллашга астойдил киришишган. Бу борада «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадалари ўқувчилар билимини назорат қилиб боршида бош мезон ҳисобланади.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда Бекобод туманидаги 1-мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг илғор педагогик технологияларга асослангани эътиборлидир. Бу жараёнда тажрибали устоз ва мураббийларнинг меҳнатлари самара бермоқда. Буни биз мактабдаги иқтидорли ўқувчиларнинг туман миқёсида ўтказилган «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадаларидаги натижалари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Мадина Набиева, Муаттар Мамажонов, Бекзод Сулаймонов, Умида Раҳматова, Учқун Салимбоев, Мухтасар Давронова, Насиба Тошпайлова сингари иқтидорли ўқувчилар «Билимлар беллашуви»да юқори натижаларга эришган бўлса, Мафтуна Ирисбоева, Назокат Шодиқуллова, Маъмура Файзуллаева, Достон Абдуназаров, Фазлиддин Эргашев, Хумора Абдурасулова, Соҳиба Су-

лаймонқуллова каби билимдон ўқувчилар фан олимпиадаларида бошқаларга нисбатан анча зукко эканликларини кўрсатишди ва энди улар вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз омадларини синаб кўришади.

Мактабда ўқувчиларнинг бундай ютуқларга эришишида тажрибали ва маҳоратли устозлардан Умида Ўсарова, Нафиса Тўхтаматова, Қундуз Юнусова, Марям Аблукбекова, Илҳом Жонузоқов, Ином Усмонов, Мавлуда Саъдуллаева, Марҳабо Аширбоева, Акмал Саъдуллаевнинг янгича изланишлари, жонқуярлиги жуда қўл келди. Айнан мактаб жамоасининг туманда пешқадам эканлиги ана шундан далолатдир.

Икки оғиз Умида Ўсарова ҳақида. У ўзининг билимдонлиги, тиришқоқ ва меҳнатсеварлиги туфайли жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозона олди. Она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ бе-

риш билан бирга «Устоз-шогирд мактаби»да устоз ўқитувчи ҳам. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловида юқори ўринларни эгаллаган. Шогирдлари «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадаларида доимо ғолиб бўлиб келишган.

Тажрибали педагог Нафиса Тўхтаматованинг изланишлари ҳам диққатга сазовор. Устоз мактабда ўқувчиларга хорижий тиллардан дарс бериш баробарида жамоат ишларида ҳам доимо фаол. Мактаб хотин-қизлар кўмитаси раиси, услуб-бирлашма раҳбари сифатида ёш ўқитувчиларга кўмакдош ва маслаҳатгўй. Муаллим француз тили фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этган.

Мактабда олиб борилаётган ижобий анъаналар ва ибратли ишлардан бири мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилганидир. Яқинда ушбу мактабда «Фарзандим камоли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Мактаб жамоаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирга битирувчи синф ўқувчиларининг ота-оналари, маҳалла фаоллари тақлиф этилди.

Тадбирни тажрибали

устоз Нафиса Тўхтаматова олиб борди. Тадбир ҳар доимгидан бошқачароқ, ноанъанавий тарзда ўтказилди. Ота-оналар ва устозлардан иборат «Маҳалла», «Фуқаролик институтлари», «Оила», «Мактаб», «Устозлар» номли гуруҳлар ташкил этилиб, уларга турли савол ва топшириқлар берилди.

Ота-оналар ва устозларга берилган ёзма равишдаги савол ва топшириқларда улар олдида «Фарзандингиз камолини қандай кўрасиз?», «Оилада ота-онанинг роли қандай бўлиши керак?», «Бир болага етти маҳалла ота-она» сингари ибораларга тўлақонли жавоб бериш, фикр-мулоҳазаларини билдириш талаби қўйилди. Тадбир давомида «Фарзандлар камоли олдидаги масъулиятингиз қачондан бошланади ва қачонгача давом этади?» каби саволларга ҳам ота-оналар жавоб беришди.

Булардан ташқари, бола тарбиясига таъсир этувчи омиллар, мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги қандай бўлиши хусусида қизиқарли баҳс, савол-жавоблар бўлди. Ота-оналар учун зарур тавсиялар берилди.

Битирувчи синф ўқувчиларининг қизиқишлари, уларни касбга йўналтириш, касб-хунар коллежалари билан доимий мулоқотда бўлиш хусусида фикрлар билдирилди. «Фарзандим камоли» мавзусида семинар-тренинг барчада илиқ таассурот қолдирди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири



Ўзбошимча ПОЛИЦИЯЧИ

Япония полицияси сержанти қўл остидаги кичикроқ рутбали ходимларни жазолаш учун бўктириб овқатлантирди. Оқибатда ишдан ҳайдалди.

Қирқ ёшли сержант кўриниши ёқмаган тўрт нафар ходимни танлаб, ошхонага олиб киради. Сўнгра менюдаги барча овқатлардан буюртма беришга мажбурлайди. Жабрдийда ходимлар ҳаммаси бўлиб ўн бештадан гамбургер ва бўғирсоқ, уч-тўрт литр сутли кофе ва қовурма лағмонга буюртма берган. Меҳмондорчилик ҳақини кичик офицерларнинг ўзлари тўлаганлар. Шундан сўнгра улар қўпол муомалада бўлган сержантнинг устидан шикоят қилишди. Маълум бўлишича, тартиббузар сержант бундай ишларни 2010 йилдан бери қилиб келган.

Замонавий Робинзон

Тинч океанидаги Маршал ороларидан бирида ўн олти ойдан бери ёлғиз яшаган одам топилди. Уни оролга келган маҳаллий аҳоли текширувчилари топилди.

Асли мексикалик бўлган Хосе Иваннинг қайиғи винти бўшаб кетиши натижасида ўзига яқин бўлган оролда ўн олти ой қолиб кетган. Соч-соқоли анча вақт қайчи-тароқ кўрмаганини айтмаганда, Хосе Иван соппа-соғ, ҳар қолда тиббий текширувдан муваффақиятли ўтди. «Робинзон» оролда ёмғир сувини ичиб, тошбақа, балиқ еб кунини ўтказган.

Энг гавжум гипермаркет

БААнинг Дубай шаҳридаги «Dubai Mall» савдо мажмуасига 2013 йилда 75 миллион киши ташриф буюрди.

Бу натижа билан «Dubai Mall» жаҳондаги энг гавжум гипермаркетга айланди. 2012 йилга нисбатан харидорлар сони 15 фоизга ўсган. Ушбу савдо муассасасига ҳар куни 200 минг киши келади ва уларнинг аксарияти сайёҳлар. Гипермаркетда 1,2 мингдан ортиқ дўкон ҳамда дунёдаги энг йирик аквариум мавжуд. Ҳозир мажмуада 2015 йилгача бўлган лойиҳа асосида кенгайтириш-таъмирлаш ишлари бошланган.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади**

2014-yil — Soғ'lom bola yili

ИНСОН ЭЪТИБОРДАН ЎСАДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Нишоб ариқ» маҳалласида тумандаги 26-оилавий поликлиника ва маҳаллалар ҳамкорлигида «Соғлом турмуш тарзи қондалари ва репродуктив саломатлик» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш, улар яшайдиган ҳудудлар ҳолатининг санитар ва гигиеник жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

— Тумандаги «Пахтакор», «Дег-

рез», «Шофайзибоғ», «Нишоб ариқ», «Шарқ юлдузи», шунингдек, «Кўкча-Оқтепа» ва «Боғи чинор» маҳаллаларининг бир қисмида яшовчи олтита мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, тўртта мактаб, битта касб-хунар коллежи ўқувчилари бизнинг поликлиникамизга бириктирилган, — дейди 26-оилавий поликлиника бош шифокори Сурайё Холматова. — Уларга клиник лаборатория, физиотерапевтик, флюорографик жихозлар, замонавий ЛФК, УЗИ, рентген аппаратлари билан жиҳозланган поликлиникамизда хирург, стоматолог, лор, окулист, гинеколог, кардиолог, логопед сингари малакали шифокор ва ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, маҳаллалар билан узвий боғлиқликда иш олиб бораемиз.

— Янги йил кирар чоғида биз

фарзандли бўлдик, — дейди Дониёр Эргашев. — Фарзандимизнинг соғлом бўлиб туғилишида 26-оилавий поликлиника шифокорлари, участка ҳамшираларининг хизмати катта. Мунтазам шифокор кўригидан ўтиб, ўз вақтида эмлатганимиз учун айни дамда кичкинтойимиз соғлом ва тетик. Поликлиникадаги ширинсўз ва тахрибали шифокорлар кўрсатаётган тиббий хизматлардан мамнунмиз.

Оилада соғлом муҳитни шакллантиришда никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти, унинг мустаҳкам оила барпо этишнинг муҳим шarti ва гарови эканлиги таъкидланди. Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Turkiston»), Элмурод Нишонов
(масъул котиб — «Turkiston»),
Ирина Кочергина (бош муҳаррир
ўринбосари — «Молодежь
Узбекистана»), Елена Калинина
(масъул котиб — «Молодежь
Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи
муҳаррир:Назарова
Майсара
Тошевна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-257.
Адади — 12819
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 02.35
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДАРИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

(Давоми, аввали 1-, 4-, 5-саҳифаларда)



Абдулхамидова Сурайёхон,
Андижон Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Сафарова Шоҳсанам,
Самарқанд шаҳридаги маиший хизмат коллежи 1-босқич ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Нажмединова Гулмира,
Андижон Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Гандбол бўйича халқаро турнир (Италия)



Шомансурова Хадича,
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 5-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Гарусова София,
Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 60-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Тошхўжаева Хонзодаҳон,
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 142-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)




Хайриддинова Мухлисахон,
Тошкент шаҳридаги дизайн коллежи 2-босқич ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Шомаҳсудова Лазиза,
Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Шомаҳсудова Нигора,
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Йўлдошева Гулсанам,
Республика бадийи коллежи 2-босқич ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Морозова Анастасия,
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 246-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Ҳакимова Хуршида,
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 122-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир (Туркия)



Нуриллаев Кемран,
Самарқанд шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Дзюдо бўйича Осиё чемпионати (Хитой)



Турсунов Сухроб,
Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи 3-босқич ўқувчиси Дзюдо бўйича Осиё чемпионати (Хитой)



Раҳимов Шерзоджон,
Фарғона Олимпия захиралари коллежи 1-босқич ўқувчиси Белбоғли кураш бўйича жаҳон биринчилиги (Россия)



Чадин Роман,
Сирдарё вилояти Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежи 2-босқич ўқувчиси Жет-кун-до бўйича Осиё чемпионати (Қозоғистон)



Ҳамдамов Жавлонбек,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 1-академик лицей 1-босқич ўқувчиси Жет-кун-до бўйича Осиё чемпионати (Қозоғистон)



Азизов Шаҳзод,
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри озиқ-овқат саноати коллежи 1-босқич ўқувчиси Универсал жанг бўйича жаҳон чемпионати (Россия)



Анорбоев Жасур,
Тошкент вилояти Янгийўл тумани касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Универсал жанг бўйича жаҳон чемпионати (Россия)



Ўролов Миразиз,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 4-академик лицей ўқувчиси Универсал жанг бўйича жаҳон чемпионати (Россия)



Эргашев Сирожиддин,
Тошкент вилояти Қибрай тумани агросаноат коллежи 2-босқич ўқувчиси Универсал жанг бўйича жаҳон чемпионати (Россия)



Аминов Равшанбек,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 32-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Имамадинов Атабек,
Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли педагогика коллежи 1-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Жумабаев Оразбай,
Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Ешимбетов Хажмуҳан,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус Олимпия захиралари коллежи 3-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Ўтемисов Тимур,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус транспорт коллежи 3-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Абдуллаев Тимур,
Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Бабажанов Илҳом,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 32-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Идирисов Нурсултон,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус Олимпия захиралари коллежи 9-синф ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Авезбаев Ўринбосар,
Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)



Жубатов Қаллибек,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус транспорт коллежи 2-босқич ўқувчиси Бокс бўйича халқаро турнир (Қорақалпоғистон Республикаси)




Саидова Сабоҳат,
Хоразм вилояти Хонқа спорт-педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиси Дзюдо бўйича халқаро турнир (Ўзбекистон)



Абдуллаев Фуломжон,
Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Эркин кураш бўйича 9-халқаро турнир (Россия)



Ғаниева Ойноз,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей 3-босқич ўқувчиси Таэквондо бўйича Қозоғистон очик биринчилиги (Қозоғистон)



Акбаров Иқромжон,
Тошкент шаҳридаги иқтисодиёт коллежи 1-босқич ўқувчиси Қўл жанги бўйича жаҳон биринчилиги (Россия)



Садриддинов Сирожиддин,
Тошкент шаҳридаги молия коллежи 3-босқич ўқувчиси Қўл жанги бўйича жаҳон биринчилиги (Россия)